

# ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ЛАКТОФИЛЬТРУМ® LAKTOFILTRUM

**Препаратнинг савдо номи:** Лактофильтрум®

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** гидролизланган лигнин, лактулоза

**Дори шакли:** таблеткалар

**Таркиби:**

1 таблетка қуйидагиларни сақлайди:

**фаол моддалар:** гидролизланган лигнин (қуруқ моддага қайта ҳисоблаганда) – 355,0 мг;

лактулоза (100% моддага ҳисобланганда) – 120,0 мг;

**ёрдамчи моддалар:** натрий кроскармеллоза, магний стеарати.

**Таърифи:** оқ-қурағон доғлари бўлган тўқ-жигарранг рангли, икки томони қавариқ капсуласимон шакли, рискасили таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** энтеросорбент восита.

**АТХ коди:** А07ВС

**Фармакологик хусусиятлари**

Препаратнинг фармакологик таъсири таркибига кирувчи фаол компонентлар - лигнин ва лактулозанинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Гидролизланган лигнин - ёғоч компонентлари гидролизининг маҳсулотларидан ташкил топган табиий энтеросорбент, юқори сорбцияловчи (ютувчи) фаолликка ва носпецифик дезинтоксикацион таъсирга эга. Ичакда патоген бактерияларни ва бактериал токсинларни, дори препаратларини, оғир металл тузларини, алкогольни, аллергияларни, шунингдек модда алмашинувининг айрим ошиқча маҳсулотларини, шу жумладан биллирубин, холестерин, гистамин, серотонин, мочевина, эндоген токсикозини ривожланиши учун масъул бўлган бошқа метаболитларни боғлайди ва организмдан чиқаради.

Заҳарли эмас, сўрилмайди, ичакдан 24 соат давомида тўлиқ чиқарилади.

Лактулоза - синтетик дисахарид, унинг молекуласи галактоза ва фруктоза қолдиқларидан ташкил топган. Лактулоза меъдада ва ичакнинг юқори бўлимларида сўрилмайди ва гидролизга учрамайди. Таблеткадан йўғон ичакда субстрат сифатида ажралиб чиққан лактулоза, бифидобактериялар ва лактобациллаларни ўсишини рағбатлантириб, ичакнинг нормал микрофлораси томонидан ферментланади. Лактулозани йўғон ичакдаги гидролизи натижасида, патоген микроорганизмларини ўсишини сўсайтирувчи ва бунинг оқибатида азот сақловчи токсик моддаларни ҳосил бўлишини камайтирувчи органик – сут, сирка ва чумоли кислоталари ҳосил бўлади. Таърифланган жараён йўғон ичак ичида осмотик босимни ошишига ва перистальтикани рағбатлантирилишига олиб келади.

Препаратни мажмуавий таъсири йўғон ичакнинг микробиозини меъёрлашувида ва эндоген токсик ҳолатларининг жадаллигини пасайишига йўналтирилган.

Бактериал вагинозни (қин дисбиози) комплекс даволашда препаратни қўлланилиши даволаш самардорлигини ошишига, шу жумладан қинда лактобациллалар сонини ошишига, шунингдек шартли – патоген флорани ўсишини самарали сўсайтирилишига олиб келади.

**Қўлланилиши**

Ичак микрофлорасини бузилиши, шу жумладан антибиотикотерапия натижасидаги; таъсирланган ичак синдромини, гепатитлар ва жигар циррозини, аллергия касалликлари (атопик дерматит, ашакеми) мажмуавий даволаш учун қўлланади.

**Қўлаш усули ва дозалари**

Ичга, зарурати бўлганда - овқатдан ва бошқа дори воситаларини қабул қилишдан бир соат олдин олдидан майдалаб, сув билан ичилди. Ичак дисбактериозиди:

- катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга - 2-3 таблеткадан кунига 3 марта,

- 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга - 1-2 таблеткадан кунига 3 марта,

- 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга - 1 таблеткадан кунига 3 марта,

- 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга - 1/2 таблеткадан кунига 3 марта буюрилади.

**Бактериал вагинозда (қин дисбиозиди):**

2 таблеткадан кунига 3 марта.

Даволаш курсининг ўртача давомийлиги -2-3 ҳафта.

Препаратни узоқ ишлатилиши ва даволашни қайта курслари фақат шифокорнинг кўрсатмаси бўйича ўтказилиши керак.

**Ножўя таъсирлари**

Препаратнинг компонентларига аллергия реакциялар, кам ҳолларда - метеоризм, диарея бўлиши мумкин.

**Қўлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратни шахсий ўлаштираолмаслик, ичак тутилиши, меъда-ичакдан қон кетишлари, галактоземия.

Препаратни меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини зўрайишида, ичак атонисидида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

**Дориларнинг ўзаро таъсири**

Ичга бир вақтда қабул қилинаётган айрим препаратларнинг даволаш самарасини пасайиши мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Препаратни бошқа дори препаратлари билан алоҳида қабул қилиш қондасига риоя қилган ҳолда мажмуавий даволашда ишлатиш мумкин.

Препарат болалар оғлмайдиغان жойда сақлансин ва яроқлилик мuddати ўтгач ишлатилмасин.

**Дозани ошириб юборилиши**

**Симптомлари:** қабзият, қоринда оғриқлар кузатилиши мумкин.

**Даволаш:** препаратни қабул қилишни тўхтатиш лозим.

**Чиқарилиш шакли**

10 ёки 15 таблеткадан поливинилхлорид пёнка ва босма лакланган алюминий фольгали контур уяли ўрамда.

3 ёки 6 контур уяли ўрамдан қўлаш бўйича йўриқнамаси билан бирга картон қўтида жойланади.

**Сақлаш шароити**

Ёруғликдан ва намликдан ҳимояланган жойда, 30 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик мuddати**

3 йил.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи/эътирозларни қабул қилувчи ташкилот**

“АВВА РУС” АЖ.

Россия, 610044. Киров ш., Луганская кўча, 53 а уй.

Тел: +7 (8332) 25-12-29,+7 (495) 956-75-54.

avva.com.ru

